

ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган № 60 (9.252) 1999 йил 26 май, чоршанба Сотувда эркин нархда

ДАВР САДОСИ

Тошкент оқшоми

Барча манбалардан олинган сўнги ахборотлар

МАМЛАКАТИМИЗДА

Ўзбекистон Президенти Ислам Каримов кеча Дўрмон қароргоҳида АҚШ Давлат котибининг янги мустақил давлатлар ишлари бўйича махсус маслаҳатчиси С. Сестанович бошчилигидаги делегация аъзолари билан учрашди. Музокараларда ўзаро савдо алоқаларини кенгайтириш билан бирга, минтақада тинчлик ва барқарорликни мустаҳкамлаш, диний айирмачилик ва террорчиликка қарши кураш, шунингдек, ҳарбий масалалар бўйича ҳамкорликни ривожлантириш ҳақида сўз борди.

НАТОНинг 50 йиллиги тантаналари муносабати билан ўтказилган саммит ҳамда ҳамкорлик бўйича Евро-Атлантика Кенгаши учрашуви пайтида ҳаммаслақ бўлгани учун Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов номига АҚШ Президенти Билл Клинтондан миннатдорчилик телеграммаси келди.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси «1999 йилги бошқоқлик дон экинлари ҳосилини йиғиштириб олишни уюшқоқлик билан ўтказиш чора-тадбирлари тўғрисида» қарор қабул қилди.

24 май кунини пойтахтдаги «Интерконтинентал» меҳмонхонасида ўз ишини бошлаган Ўзбекистон — АҚШ, АҚШ — Ўзбекистон қўшма комиссиянинг иккинчи сессияси кеча якунланди. Сессияда иштирок этиш учун мамлакатимизга ташриф буюрган АҚШ делегацияси вакиллари Ўзбекистон микроиқтисодиёт ва статистика ҳамда муҳофаза вазирликларига ҳам ташриф буюриб, музокаралар ўтказди.

Мамлакатимизда меҳмон бўлиб турган Япония экспорт-импорт банки бошқарувчиси Х. Ясуда бошчилигидаги делегация Ўзбекистон Ташқи иқтисодий фаолият миллий банкига ташриф буюрди. Учрашуви якунида Ўзбекистон Миллий банки билан Япония Эксимбанк ўртасида кредит битими имзоланди.

Фарғона вилояти пиллакорлари зафар қудчилар Қабул пунктларига 2 минг 600 тонна қимматбаҳо саноат хомашиси етказиб берилди.

Хар йили ўтказилиши аънаънага айланган «Ўқувчи-99» қуриқ-танловининг вилоят босқичи ниҳоясига етди.

ЖАҲОНДА

Германиялик машҳур сийсатчи, Шимолий Рейн-Вестфалия ерининг собиқ бош вазири Йоханнес Рау Германиянинг янги президенти этиб сайланди. Берлиндаги Рейхстаг биносидида бўлиб ўтган сайловда 690 депутат Й. Рау номзодини қўллаб-қувватлаб овоз берди.

Украина пойтахти Киевда хар томонлама ҳамкорлик бўйича Ўзбекистон — Украина ҳукуматларо қўшма комиссиясининг учинчи мажлиси бўлиб ўтди. Унинг ишида Ўзбекистон Республикаси Бош вазири Ўткир Султонов бошчилигидаги мамлакатимиз делегацияси иштирок этди.

Ҳиндистон билан Покистоннинг чегарадош ҳудудларида икки томонлама отишмалар ҳамон тўхтамапти. Кунин кеча Покистон чегарачилари яна Қашмир штатининг Каргил секторини замбараклардан ўққа тутди.

Донецкдаги шахталарнинг бирида метан портлаши натижасида 30 киши ҳалок бўлди. 9 киши оғир ахволда касалхоналарга ётқизилди. 78 киши фожиа содир бўлган жойдан қутқариб олинди. Чўқурлиги 1 километрдан ортиқ бўлган ўшбу шахтада охири маълумотларга қараганда 159 тага яқин шахтёр бўлган. Ер остида қолганларнинг тақдирини ҳозирча номаълум. Қидирув олиб борилмоқда.

Тбилисидида Грузия президенти Эдуард Шеварднадзега қарши террорчилик ҳаракатини ташкиллаштиришда гуноҳ қилинган шахслар гуруҳи қўлга олинди. Ҳозирча гуруҳнинг қанча кишидан иборатлиги ва аъзоларининг шахсияти ҳақида маълум қилинмаган. Грузия хафсизлик вазирилиги гуруҳ устидан жиноий иш қўзғайди.

Бугун Москвада АҚШ давлат котибининг биринчи ўринбосари С. Тэлбот, Югославия бўйича Россия президентининг махсус вакили В. Черномирдин ва Финляндия президенти М. Ахтисаарилар иштирок этган Косово бўйича уч томонлама музокара қатнашчиларининг учинчи марта учрашувлари бўлиб ўтади.

Бугун Россиянинг янгиланган ҳукумат таркиби эълон қилиниши қутилмоқда.

Миср президенти Х. Муборак Ливияга ташриф буюрди.

ИСЛОМ КАРИМОВГА «ОЛТИН МАРЖОН» МУКОФОТИ ТОПШИРИЛДИ



Мамлакатимизга ташриф буюрган Халқаро ҳаваскор курашчилар федерацияси (ФИЛА) Бош котиби Мишел Дюссон Ўзбекистон Президенти Ислам Каримовга ташриф буюридан биринчи бўлиб ушбу олий мукофот билан тақдирланди.

24 май кунини Оқсарой қароргоҳида Президент Ислам Каримов билан ФИЛА Бош котиби Мишел Дюссон ўртасида бўлиб ўтган мулоқот чоғида ўзаро алоқаларни кенгайтириш, Ўзбекистонда спортни янада юксалтириш билан боғлиқ масалалар юзасидан фикр алмашилди. Маълумки, 25 май кунини Тошкентдаги «Юнусобод» спорт мажмуида юнон-рум ва эркин кураш бўйича навбатдаги Осиё чемпионати бошланди.

— Мазкур чемпионатнинг Ўзбекистонда ўтказилиши биз учун катта воқеа, — деди Ислам Каримов суҳбат чоғида. — Хабарингиз бор, яқинда Тошкентда ўзбек кураши бўйича биринчи халқаро мусобақа ҳам бўлиб ўтди. Бу тадбирларнинг барчаси Ўзбекистон билан халқаро спорт ташкилотлари ўртасида алоқаларни янада мустаҳкамлашга хизмат қилиши шубҳасиз.

Бугунги кунда ФИЛАга 135 дан зиёд мамлакатнинг кураш бўйича миллий федерацияси аъзо. Ўзбекистон Кураш уюшмаси унга 1992 йилда қўшилган. ФИЛАНинг асосий мақсади — юнон-рум, эркин кураш ва аёллар курашининг дунё миқёсида кенг ёйишидир.

Оқсарой қароргоҳида бўлиб ўтган учрашулда Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси Т. Рискнев, Бош вазири ўринбосари Х. Кароматов иштирок этди.

(ЎЗА)

СУРАТДА: олий мукофотни топшириш пайти. А. Туряев олган сурат.

Ҳамкорлик

АЛОҚАЛАРИМИЗ МУСТАҲКАМЛАНМОҚДА

Ўзбекистондаги Германия иқтисодиёти Ваколатхонаси раҳбари жаноб ЁрҒ ҲЕЧ билан суҳбат

— Жаноб Ҳеч, марҳамат қилиб, Ўзбекистон — Германия иқтисодий ҳамкорлиги борасида ўтган йилда эришилган ютуқлар ҳақида сўзлаб берсангиз?

— Немис-ўзбек иқтисодий ҳамкорлиги ҳақида гапирадиган бўлсак, бу борарада 1997 йилни кўтарилиш даври бўлди, десак муболага бўлмас. Шу йили иккала давлат ўртасидаги ташқи савдо айланими салкам 990 миллион немис маркасини ташкил этди. Утган 1998 йилда ҳам мамлакатларимиз иқтисодий ҳамкорлиги соҳасида муайян ишлар қилинди. Ўзбекистонда немис маҳсулотлари ва хизмат кўрсатиш соҳаларига эҳтиёж ортиб бормоқда. Худди шу йўналишда немис фирма ва компанияларининг ҳам фаолиги ошиб борапти. Яна бешта немис фирмаси бу ерда ўз ваколатхонасини очиб ҳаракатида, яна битта турдош корхона ташкил этилади.


— Бугунги кунда Ўзбекистонда нечта ўзбек-немис қўшма корхонаси фаолият кўрсатапти? Уларнинг фаолияти ҳақида фикрингиз?

— Ҳозирда Ўзбекистонда етмишга яқин немис-ўзбек қўшма корхоналари фаолият кўрсатапти. Уларнинг аҳли жамоалари ўз олдларига қўйган мақсад ва вазифаларни бажариш йўлида меҳнат қилмоқдалар.

— Ҳозирги кунда Ўзбекистон-Германия иқтисодий ҳамкорлиги соҳасида қандай йирик лойиҳалар устида иш олиб бориламоқда?

— Бундай йирик лойиҳалар, ҳозир, асосан хом ашё ишлаб чиқариш ва унга ишлов бериш соҳаларида олиб бориламоқда.

— Бевоғизга маҳсулот ишлаб чиқаришга эътибор қўяётган бўлса керак?



Осиё чемпионати

ҒАЛАБА БИЛАН БОШЛАНДИ

КЕЧА

шаҳримизда яна бир улкан халқаро спорт мусобақаси бошланди — ҳамюртларимиз «Юнусобод» спорт саройида эркин ва юнон-рум, аёллар кураши бўйича XIII Осиё чемпионати татанали очилиш маросими ва дастлабки беллашувларнинг гувоҳи бўлдилар.

Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари, мусобақани ўтказиш ташкилий қўмитасининг раиси Ҳамидулла Кароматов, ФИЛАНинг бош котиби Мишел Дюссонлар иштирокчиларни қутлашга, давлатимиз мадҳияси садолари остида мусобақа байроғи кўтарилди.


Шундан сўнг мамлакатимиз спорт ишқибозлари яна бир қувончли воқеанинг гувоҳи бўлишди: жаҳон спорт курашлари ривожига қўшган муносиб ҳиссалари учун республика кураш федерациясининг бош котиби К. Аблаев, Ўзбекистон спорт курашлари ассоциациясининг президенти А. Рузиев, республика эркин ва юнон-рум кураши федерацияларининг раҳбарлари С. Абдувалиев ва Б. Турсунов, юнон-рум кураши бўйича Ўзбекистон терма командасининг бош мураббийси К. Фаткуллинлар ҳақли равишда халқаро кураш федерациясининг олтин, кумуш ва бронза нишонлари билан тақдирланишди.

Ниҳоят, ишқибозлар узок орзиқиб қутган онлар келиб, полвонлар гиламга тушишди. Эркин кураш устамиз Дамир Захаридинов 58 килограммилар ўртасида Қирғизистон вакили Русланбек Маджидов билан гиламга тушиб кескин баҳсда 3/2 ҳисобида устун келди. 76 килограммилар ўртасида эса яна бир ҳамюртимиз Руслан Хинчагов япониялик ракиби Кенжи Кошиба устидан соф ғалаба қозонди. 63 килограмм ваъда жаҳон кубоғи соҳибини Рамил Исмолов ҳам соф ғалабага эришди. Бугун турнирнинг чорак финал баҳслари ўтказилди.

Осиё чемпионати очилиши тантаналарида Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси Т. Рискнев, Тошкент шаҳар ҳокими ўринбосари Э. Эрназаров ва бошқа расмий кишилар иштирок этишди.

Дилшод ИСРОИЛОВ.

СУРАТЛАРДА: эркин ва юнон-рум кураши бўйича XIII Осиё чемпионатининг очилиш тантаналаридан лавҳалар. Рашид Галиев олган суратлар.



Волейбол

«МИКАСА» КУБОГИ

БУГУН

шаҳримиздаги Қуролли Қучлар спорт залида «Микаса Кубоғи» деб номланган волейбол бўйича биринчи халқаро аёллар турнири баҳслари бошланди.

Биз мусобақа олдидан Ўзбекистон Республикаси волейбол федерациясининг бош котиби Леонид Айрапетенц билан суҳбатлашдик.

— Турнир хусусида икки оғиз тўхталиб ўтсангиз.

— Япониянинг бутун дунёга волейбол тўпарини, анжомларини етказиб берувчи машҳур «Микаса» трансмиллий компанияси билан ҳамкорликда ташкил этилаётган ўшбу мусобақалар илк бор кунчиқар мамлакатдан ташқарида ўтказилмоқда. Турнирнинг муносиб ўтказиш учун 700 кишилик зални жаҳон андозалари талабларига жавоб берадиган тарзда таъмирладиқ, замонавий электрон жиҳозлар ва қопламалар ўрнатилди.

— Айтингчи, унда қайси жамоалар иштирок этади?

— Мусобақада Япониядан Канойедаги миллий спорт институти, Россиянинг «ИГФСО», Қирғизистоннинг «Бешсари», Қозғистоннинг «Иртиш-Стикс» ҳамда шаҳримизнинг «СКИФА» жамоалари ўзаро куч синашади. Бир даврда турнирда хар бир жамоа рақиблари билан ўзаро куч синашга голиблар аниқланади.

30 май кунини турнир голиби аниқлаиб, у «Микаса» Кубогининг соҳибини бўлади.

Даврон ИСМАТОВ суҳбатлашди.

Сўнги кўнғироқ

ҲАЯЖОНЛИ ДАМЛАР



КЕЧА

шаҳримизнинг барча мактабларида ўқувчилар тугаши муносабати билан сўнги кўнғироқлар жаранглади.

Бугунги кунда «Таълим тўғрисида»ги қонун ҳамда Қадрлар тайёрлаш миллий дастури асосида фаолият юритаётган халқ таълими ходимларини давримизнинг энг фидойи инсонлари дейишимиз мумкин. Чунки эртанги билимдон, юксак маънавиятли, малакали мутахассислар бугун сифатли, юқори савияли илм олган ёшлардан етишиб чиқади.

— Яна бир ўқув йили ниҳоясига етди, — дейди Яқсарой туманидаги 72-мактабнинг илмий бўлим мудирини Маҳмуд Отаев. — Келажаги порлоқ юрт қуришга интилаётган ёшларимиз илмининг навбатдаги босқичини босиб ўтдилар. Битирувчи синф ўқувчилари учун эса ҳал қилувчи дамлар — ўрта махсус ўқув юртига кириш имтиҳонларига тайёрларлик кўриш бошланди. Уларнинг имтиҳонларни муваффақиятли топширишлари биз муаллимларни қувонтириши шубҳасиз.

Кеча битирувчи синф ўқувчилари шаҳримизнинг маданият ва истироҳат боғларида бўлиб, ўқувчилар дамларининг сўнги онларини ўтказишди.

Абдумалик АБДУРАҲМОНОВ.

СУРАТДА: битирувчи синф ўқувчилари ўз муаллимлари билан.

Рустам Шарипов олган сурат.

Қурилиш

БИНОКОРЛАР ТУҲФАСИ

Шаҳримизнинг турли бурчакларида бунёд этилаётган кўп қаватли уйлари тиклашда 2-ўйсозлик комбинатининг қурувчилари фаол иштирок этишмоқда. Хусусан, комбинатнинг 61-қурилиш бошқармаси бир гуруҳ фидокорлари Шайхонтоҳур туманидаги Қоратощ мавзеси қурилишида қатнашапти. Улар томонидан қисқа муддат ичида тўртта тўққиз қаватли уй қуриб битказилди. Қурувчиларга ўз касбининг устаси Тоҳир Бердиев ишбошлик қилапти.


Бошқарма бинокорлари кунин кеча 36 оилага мўлжалланган тўққиз қаватли уйда қурилиш ишларини ниҳоясига етказишди. Яқин кунлар ичида янги уйга бахтиёр оилалар кўчиб киришади.

Тошкентда биринчи мартаба 1999 йилнинг 5—13 июнь кунлари пойтахтнинг «Динамо» спорт мажмуаси теннис кортларида аёллар ўртасида TASHKENT — OPEN халқларо турнири ўтказилади.

Курилиш

ЖАДАЛ СУРЪАТЛАРДА

Пойтахтимизда нафақат мухташам иморатлари замонавий турар жой бинолари, балки жаҳон андозалари даражасида йўллар ҳамда кўприклар ҳам муваффақият билан бунёд этилмоқда. Ана шундай курилишлардан бири Тошкент Халқа йўли устида қад ростлаётган «Кўйлик» кўпригидир.



Мустақиллигимизнинг саккиз йиллиги арафасида фойдаланишга топширишга ахд қилинган. Уларнинг бугунги ҳаракати, баракали меҳнати ўз сўзларининг устидан чиқишидан далолат бериб турибди. Курилиш материалларининг сифати ва ўз вақтида етказиб турилиши курувчиларга куч ва шижоат бахш этиб, гайратига гайрат қўшмоқда.

Шарифа ИЛЕСОВА.

СУРАТЛАРДА: кўприк курилишида фаол қатнашаётган «Кўкониёлқўриқкурилиш» бошқармаси йўлсози Мухтор Бойтамиров ва ишчи Мартивали Абдуллаевлар иш устида; техника бунёдкорлар мададкори бўлмоқда. Рустам Шарипов олган суратлар.

БИЗ келтирган кўчирма шу кунларда барча ахборот воситаларида эълон қилинган ёшлар газетаси муҳбирининг саволларига Президентимиз берган жавоблар бўлиб, Қўриқбошимиз ана бир талай муаммолар ҳақида уларнинг самарали ечимларига йўл-йўриқ кўрсатиб берди. Бугина эмас, мазкур савол-жавобларда тилга олинган айрим масалалар илгирлари ҳам кун тартибларига қўйилган. Фикр-мулоҳазалар айтилган, уларга турли-туман муносабатлар ҳам бўлган. ... Аммо Мустақил республикамизда кун сайин содир бўлаётган воқеа-ҳодисалар, амалга оширилаётган тадбирлар, жаҳон миқёсидаги янгиликлар билан нақадар боғланиб кетиши ҳар бир ўзгаришга чуқур ўйлаб, гоёт жиддий тафаккур билангина ёндашишни талаб қилади. ... Зеро дунё воқеалари ҳам, инсон тафаккури ҳам худди кинотнинг ўзидай беҳудуд, ўзгарувчан, янгиланувчанлиги билан Ер юзидagi бор жонзоти ҳаммиша безовта қилиб туради, кечаги гапни бугун ёки эртага тилга олишда ўйлаб қуришни тақозо этади. ... Чунки кечаги воқеа-ҳодиса бугун ёки эрта бошқароқ бир тусда намоён бўлишини пайқаш, моҳиятини тўғри идрок этиш ва шунга яраша муносабат билдиришда фақат етук инсоний тафаккурга кўмак беради. ... Демократизм, ҳаёт, яшаш — ҳаммиша ижодий мулоҳаза қилиш мажбуриятини ҳаммамизга юкляб қўйганки, бундан мустасно онгли инсон бўлмайди. ... Ҳатто бунга тушуниб етмайдиغانлар ҳам ҳолис бир ҳаётини қўнияти билан унга узвий боғлиқликларини эътироф этиш шарт. ... Мана шу мулоҳазаларнинг ҳаммаси айлиниб келиб, бугунги муаммоларни ҳал этишдан бошлаб келажақдаги тараққиётимизни таъминлашга чарчаси — ўз миллий тарихимиз, энг ахши аъёнларимиз, буюк зотларимиз ҳаёти ва фео-

лар бутун бир денгизга тенг маънавий казинасига ўқшади, ҳар бир сатрдаги олам-олам маънолар дарёдай оқиб туради. ... Унинг шеърини сатрларида биронта сийқаси чиққан ибора, юзга сўзлар, ёлғондакам — «ватанчи, ватан» қабилдаги сохта жарчилик, ҳушомадгўйликка, кўркакчиликка, бошқаларга миннатга ўқшаб турган сохта шухратпарастликни кўрмаймиз. Илтироқ сўзларда бонг уриб, аслида ватандан, халқдан фақат юлиб олишга интилиш — адибга тамоман ёт эди. У Ватан деганда унга фидойиликни шундай бир табиий илҳом билан қўлайдики, ўқиганинда қалбинини, бутун борлигини шунга бахшида қилиб яшагин келаверади. ... У ҳаётини шундай самимий севар, яшашнинг маъносини — меҳнат, ижод, тинимсиз илҳом булогининг қайнаши деб биларди, чунки у, аллақандай илоҳий қудрат туйғайли фавқуллода истеъдод соҳиби — шоир эди. Мана бу сатрларини қаранг:

*Илҳомнинг вақти йўқ, селдай келайди,
Жаллодек раҳм этмай дили талдайди,
Аёнлар: бир кун айлайди хабар...
Майлига, Мехрмани, гўёки, шароб —
Пиймаларим, Яшайман, тилсин дилымни.
Бемехнат севмайман тирис тилимни.*
(35 й.)

Усмон Носирнинг бутун вужуди шеърини, «селдай оқиб» келадиган илҳом, ижод машаққати бўлгандан кейин 30-йиллардаги алғов-даловлар, тақлиқлар, тақрирлар қанча таҳдид солмасин, Қўриқбошимиз иборалари билан айтганда ҳиёл имтиёз учун ҳарқандай пасткашликка борадиган, «лабайчиларга» яқинлаштира олмади. Негаки, у ўз эл-юртига фидойи, бахти-тахтини, тақдирини шу юрт билан боғлиқ ҳолда тасаввур этар, бутун иймон-этиқидини шунга бағишлаган шахс даражасига кўтарилган эди. Шоир ўзининг беҳудийлар, Қодиррийлар, Фитрат ва Чўлпонларга муносиб ворислигини чуқур англаб, ўшалар изидан оғишмай олга боради. Ватанга «аввало манфаати шахсияддан кечиб фақат эл бахти учун бош тиканлар жамоаси керак»лигини теран идрок этар, эрк-озодликни ҳечким ўзича бермайди, уни курашиб олинмайдеган устозлари ўғитини билар, Чўлпоннинг эса, бутун шеъринида қалбидан тинимсиз ўт чақиб турганини очик қилдиловчи — «Кўксидан қосулди чикан наъралар, ухлаган дилларга силжиб оқмасми?» деб бонг уришлари ҳаммадан кўпроқ Усмон Носирдек истеъдод борлигини ларзага солимайди деб ким айта олмади. Негаки, «зар қадрини заргар билмай» дегандай фидойи ким, истеъдод қилмигини тўғри идрок этиш, унга муносиб баҳо бериш учун аввало ўша тақийдандан «манфаати шахсияддан кечган» фидойи ва истеъдод деган муқаддас сифатларга эга бўлиш ҳам талаб этилади. Бунинг гоёт муҳим боиси бор: агар адабиёт, тарих, маданият ва маънавий меросларимизни ерга урганлар билан уни ҳар қандай вазиятда ҳурмат ва ҳимоя қилганлар бўлса...

Истиқлол ва миллий қадриятларимиз

6. ТАРИХНИНГ ТАРБИЯЧИЛИГИ НИМАДА?

... Утмишимизнинг... Англи, фожиаги саҳифаларини чуқур таҳлил қилиб, ҳаққоний ҳалоса ва сабоқлар чиқаришимиз керак. Миллий гуруҳ тарбияси, ягона халқ туйғусини ёшлар онгига синдириш соҳасида ҳар қили эринмасдан тинимсиз иш олиб боришимиз, бу йўлда энг таъсирчан самарали воситалардан фойдаланишимиз шарт... Бу нарсани авваломбор ёшларимиз тарбиясида ижобий таъсир ўтказиш, ҳаётимиз тарихида ҳақиқатини қарор топтиришга хизмат қилади.

Ислом КАРИМОВ.

Саноат ХАМКОРЛИК САМАРАСИ

— Мамлакатимизда амалга оширилаётган ислохотлар ҳар соҳада ўз самарасини бермоқда. Жаҳон бозори талабларига тўла-тўқис жавоб бера оладиган, рақобатбардор маҳсулотлар ишлаб-чиқариш, чет эл сарможаларини жалб қилиш муҳим омилдир. Биз пойтахтимиздаги ижарадаги «Тошкент» мебель ишлаб-чиқариш бирлашмасининг экспорт ва сифат бўйича раҳбар ўринбосари Баҳодир Усмонов билан амалда оширилаётган ишлар ҳусусида суҳбатлашдик.

— Корхонада бу йил қанча экспорт қилишни мўлжаллагансизлар?
— Экспорт чикариш 275 миң АҚШ долларини ташкил этади. Утган вақт мобайнида Алматыга 18 миң 300 АҚШ долларига экспорт маҳсулоти жўнатдик. Ҳисоб рақамимизга 8 миң 300 АҚШ доллари келиб тушди. Яна Бишкекдаги мижозлар билан яқин кунларда шартнома тузамиз ва у ерга ҳам экспортини бошлаймиз. Ниятимиз хоржий дўстлар билан ҳамкорликни янада кучайтириш.

— Хозирги кунда маҳсулотларни бозор талабига жавоб берадиган даражада ошириш борасида қандай ишлар қилинапти?
— Биринчидан ҳозир корхонамизда янги технология бўйича ишлайдиган ускуналарни ўрнатганимиз. Кейин кўпроқ янги маҳсулотларнинг сифатини яхшилаш ва янги технология асосида ҳар хил фигуралар олиб, мебельларга қўйилган жимжамаларни қўлайтириб, кейин гул-лироқ қилиб чиқаришга ҳаракат қилаяпмиз.

Маҳсулот сифатини жаҳон андозалари даражасига тўғри келсагина бошқалардан устун бўлиш мумкин. Биз ўз маҳсулотимизни бошқа давлатларниқидан зиёда бўлишига ҳаракат қилаяпмиз. Айни вақтда бизнинг маҳсулотларимиз жой олган Алматида ҳам рақобат жуда катта. У ердаги Руминия ва Германияда ишлаб-чиқарилган мебельлар қаторида бизнинг мебельларимиз ҳам турибди. Энг асосийси рақобатга бардош бераётти. Бунга биз мебельларимизнинг харид қилинаётганидан биллиб олдик.

— Утган йилга нисбатан бу йилги экспортларнинг фарқи қандай?
— Олдинги йил давомида биз фақат йилни охирида бир марта экспорт қилгандик. Бу йил мана йилнинг бошидан жўната бошладик. Белгиланган режани 265 миң АҚШ долларига бажаришга ҳаракат қилаяпмиз.

Юртимизда барча соҳада ривожланиш авж олмоқда. Айниқса уяли телефон тармоқларининг борадаги иши нуфузидир. Бизга маълум бўлган «Уздунробота», «COSCOM», «Узмаком» ва бошқа телефон алоқаларидан истиаган жойда териб ҳамроҳингиз билан гаплашишингиз мумкин. Улар нафақат пойтахтда, балки юртимизнинг қай бир қисмида бўлмасин алоқада бўлиш имконига эга бўласиз. Мана шундай нуфузли алоқа тармоғидан бири «BUZTON» — «Узбек-Британия кўшма корхонаси ҳам тобора ишончли ҳамкорга айланиб бормоқда. Биз кўшма корхона бош директорининг биринчи муовини Раҳимхўжа Шарипов билан суҳбатда бўлдик.

— Корхона номи нима учун «BUZTON» деб қўйилган ва бошқа уяли телефон алоқаларидан нимаси билан фарқ қилади?
— «BUZTON» сўзи икки давлатнинг қисқартма сўзлари асосидаги йиғиндисиридир. Яъни, Британия — Ўзбекистон телекоммуникация усткурма тармоғи демекдир. Унинг бошқа телефон тармоқларидан фарқи томони шундаки, телекоммуникация-миз энг янги, замонавий рақамли нуртола кабелларни қўллаш орқали хизмат кўрсатади. Демокримани, «BUZTON» телефон тармоғи уяли телефон тармоғи эмас. Балки, кабеллар орқали стационар алоқа хизматини кўрсатади ва шу жиҳатдан уяли телефон тармоқларидан фарқ қилади. Телекоммуникация-миз кўпроқ яқна шахслар билан эмас, кичик ва йirik қўшма корхоналар, ваколатхоналар, халқаро миқёсдаги меҳмонхоналар ва банкларга ўрнатилиб, шулар билан иш-шайлиб.

— Айни вақтда сизлар билан ишлаётган мижозларнинг кимлари ҳамда кўшма корхонани ташкил этишдаги муассислар ҳақида ҳам тўхталсангиз.
— Айтиб ўтганимдай мижозларимиз кўшма корхона-лар бўлиб, улар орасида «Уз-БАТ», «Кока-Кола ЛТД Тошкент ичимлиги», «Асака банк», «АЕМ АМРО БАНК» ва бошқалар бор.

— Корхона номи нима учун «BUZTON» деб қўйилган ва бошқа уяли телефон алоқаларидан нимаси билан фарқ қилади?
— «BUZTON» сўзи икки давлатнинг қисқартма сўзлари асосидаги йиғиндисиридир. Яъни, Британия — Ўзбекистон телекоммуникация усткурма тармоғи демекдир. Унинг бошқа телефон тармоқларидан фарқи томони шундаки, телекоммуникация-миз энг янги, замонавий рақамли нуртола кабелларни қўллаш орқали хизмат кўрсатади. Демокримани, «BUZTON» телефон тармоғи уяли телефон тармоғи эмас. Балки, кабеллар орқали стационар алоқа хизматини кўрсатади ва шу жиҳатдан уяли телефон тармоқларидан фарқ қилади. Телекоммуникация-миз кўпроқ яқна шахслар билан эмас, кичик ва йirik қўшма корхоналар, ваколатхоналар, халқаро миқёсдаги меҳмонхоналар ва банкларга ўрнатилиб, шулар билан иш-шайлиб.



Бугунги Тошкент.

муникейшинс» корхонаси, Ўзбекистондан «Тошкент шаҳар телефон тармоғи» очик турдаги акционерлик жамияти ҳамда Халқаро электрон алоқа маркази ҳамкорлигида қўшма корхона ташкил этилди. 1996 йилнинг сентябрь ойида эса телекоммуникация тармоқлари қуриб битказилиб, ишга туширилди. Айни вақтда биз Фарбада қабул қилинган ишлаш усули, яъни узок муддатли шартнома асосида мижозлар билан иш-шайлиб. Корхонани ташкил этиш жараёнида қабул қилган Низомга қура хозирча қақат Тошкент шаҳри ҳудудида олий сифатли алоқани ташкил этган ҳолда ишляяпмиз. Шунингдек, юқори малакали телекоммуникация соҳасини ва инглиз тилини мукамал билган маҳаллий кадрлардан 40 нафар иш меҳнат қилмоқда. Иш бошлаган кезлари мизда бир нечта хоржийлик мутахассислар ҳам ҳамкорликда ишляшди. Ҳозир улардан икки киши қолган ҳамда қўшма корхона директори, телекоммуникациянинг юқори малакали мутахассиси Жон Брюер ўз тажрибалари билан ўрлоқлашиб, ҳамкорликда ишляяпмиз.

Биз ва жаҳон «BUZTON» — ИШОНЧЛИ ХАМКОР

Кўшма корхонанинг ташкил этилишига аввало истиқлолга ўз тугатилганимиз сабаб бўлган. Чунки Европа давлатларидаги қўллаб-шайлаш кўшма корхоналари мустақил давлатнинг иқтисодчилари билан ҳамкорликда иш тутишини ўз олдларига мақсад қилиб ишга кириша бошладик. Кўшма корхона тузилгани билан алоқа бўлма-маса яна бўлмайди. Шу боис биз алоқачиларга ҳам масъуляти вазирафлар юкланди. Қандайин бўлмасин компьютер ёрдамида факс орқали корхонага тегишли бўлган мўламотларни юбориш ва олиш лозимлиги ҳусусида икки томонлама алоқа боғлаш-ти ташкил этиб беришимиз керак эди. Бу борада 1995 йилнинг август ойидан бошлаб Британиянинг энг йirik алоқа системаси ишлаб-чиқарадиган «Маркнинг ком-

— Ҳа, бозор иқтисодиёти шартини рақобатга бардош бера олмасанг, унда ишлаб бўлмайди. Кимнинг қандай ишлаётганини бизда кўпроқ мижозлар баҳолайди. Хозирги пайтда телекоммуникация соҳасида қай бирини танлаш мижозларимизга боғлиқ. Қолаверса, бунинг учун айниқса тошкентлик мижозларга кенг имкониятлар яратилган.

Суҳбатдош Гулзода МАМБЕТОВА.

Усмон Носирнинг бутун вужуди шеърини, «селдай оқиб» келадиган илҳом, ижод машаққати бўлгандан кейин 30-йиллардаги алғов-даловлар, тақлиқлар, тақрирлар қанча таҳдид солмасин, Қўриқбошимиз иборалари билан айтганда ҳиёл имтиёз учун ҳарқандай пасткашликка борадиган, «лабайчиларга» яқинлаштира олмади. Негаки, у ўз эл-юртига фидойи, бахти-тахтини, тақдирини шу юрт билан боғлиқ ҳолда тасаввур этар, бутун иймон-этиқидини шунга бағишлаган шахс даражасига кўтарилган эди. Шоир ўзининг беҳудийлар, Қодиррийлар, Фитрат ва Чўлпонларга муносиб ворислигини чуқур англаб, ўшалар изидан оғишмай олга боради. Ватанга «аввало манфаати шахсияддан кечиб фақат эл бахти учун бош тиканлар жамоаси керак»лигини теран идрок этар, эрк-озодликни ҳечким ўзича бермайди, уни курашиб олинмайдеган устозлари ўғитини билар, Чўлпоннинг эса, бутун шеъринида қалбидан тинимсиз ўт чақиб турганини очик қилдиловчи — «Кўксидан қосулди чикан наъралар, ухлаган дилларга силжиб оқмасми?» деб бонг уришлари ҳаммадан кўпроқ Усмон Носирдек истеъдод борлигини ларзага солимайди деб ким айта олмади. Негаки, «зар қадрини заргар билмай» дегандай фидойи ким, истеъдод қилмигини тўғри идрок этиш, унга муносиб баҳо бериш учун аввало ўша тақийдандан «манфаати шахсияддан кечган» фидойи ва истеъдод деган муқаддас сифатларга эга бўлиш ҳам талаб этилади. Бунинг гоёт муҳим боиси бор: агар адабиёт, тарих, маданият ва маънавий меросларимизни ерга урганлар билан уни ҳар қандай вазиятда ҳурмат ва ҳимоя қилганлар бўлса...

рўйхатига бир назар солсангиз — бизга замондаш энг буюк зотларимиз ҳар қандай қалит воситаларда ҳам меросимизни қўллаб-қувватлаганларини, энг қалтибан манфаатпараст-сабоққўлар уларга тош отганларига гувоҳ бўласиз — зеро агар биздан сўрасангиз, ҳар икки хилларидан қўларининг номларини ахборот воситаларида эълон қилганмиз, ҳозир ҳам санаб беришга тайёриэм. Фидойилар билан қалбақлар хитой деворидай икки томонга ажралиб туради, ҳозир ҳам шундай. Усмон Носир биз юқорида номларини иззат-икром билан тилга олган аждодларимиз йўлидан боради, уларнинг энг яқин ва самимий ҳамфайрларидан бир сифатида тарихимиздан юксак ўрин олади.

Шоирнинг 30-йиллар ўрталаридаги серташвиш дамлар кайфиятини, қалбини ўрта бораётган эл-юрт қайсири, тақдир-ю, ҳаётни севини, унга муҳаббат ва алам-изтиробларини, демакки мавҳуд эидияларини фандаловчи мана бу сатрлар унинг қалби қандай ҳис-туйғулар манбаида айлиниб бораётгани ҳақида бизга тасаввур беради.

*Дўстларим, табар олин,
Бир тараф — йилнинг илҳомини маъруз,
Бир тараф — тажрибамиз дарслари турур,
Иккиёқ суҳбатда, уриш қилади...*

Шоирнинг мазкур шеърини Чўлпоннинг юқоридаги ўт-ағали сатрлари билан нақадар ҳамоҳанглигини аниқ пайқаш қийин эмас — бу икки буюк зот ва икки юксак истеъдод соҳибининг бир даврда яшаб, бир хил фожиа тақдирларга нақадар уйғунлашиб кетганини билан ҳам қалбларимизни ларзага солиди; зеро ҳаммиша, ҳар қандай вазиятда буюқлар билан буюқлар, яъни — иймон-этиқиди борлар билан иймон-этиқиди борлар, айни шу юксак инсоний сифатлардан маҳрумлар билан ўша сифатлардан маҳрумлар ҳамфайр бўлиб чиққанларини тарихдан ҳам бугунги кунларда ҳам қуриб тура-миз. ... Кизик, ҳаётнинг энг дахшати ва ёзилган қонуниятларидан бири ҳам шу бўлса керак... Адабиётимиз тарихида Абдулла Қодирий, Чўлпон, Фитрат, Усмон Носирни бошлаган кўтарганлар билан ерга урмоқчи бўлганларга назар солсангиз бу манзарани жуда очик кўрасиз.

Истиқлолимизга саккизинчи йил тўлаётган кезларда, маънавий меросларимиз бирин-кетин тикланиб, тарихимизда, ҳатто жаҳон маданияти тараққиётида ҳамон ҳурмат топаётган бир шайхонида Усмон Носир ва унинг ҳамфайрлари уни халқимизга, айниқса ёшларимиз онгига муттасил синдириб бориш — қалбларидида ватанпарварлик туйғуларини кўпроқ уйғотиш, ватанга фидойилар сафларини кенгайтиришга қўмақлашди. Зеро миллий тарих, миллий аъёнларнинг бугунги тарбиявий аҳамияти ҳам худди шу тарзда белгиланади... Агар шу жиҳатдан Усмон Носирнинг мана бу дардди сатрларига бир назар ташласак, бизнинг буюк аждодларимиз ҳатто шуларнинг қатлиомларига дучор этилиш афарақлида ҳам фидойилардан кечинмай, қандай дард-алам билан яшаганлари, қалбларини ўртаётган ҳис-туйғуларини аниқ баён қилишда нақадар жасорат, матонат кўрсатганларини кўрамиз:

*Қўнлим ёнади. Қайли. Қўнлим қўзғалур...
Уям ушмак тинчлик берай деб асар, —
«Бу куран оғир кураш, битмас енар...»
Десам қўясам... Охирида менга не қолур?
(35 й.)*

Биз келтирган ва келтирмаган далиллар Усмон Носир ва унинг ҳамфайр замондошларидан қолган маънавий меросининг бутун борлигини ахлит баҳолаш мумкин бўлса ва уларнинг бугунги кунларимиз учун ўрни, аҳамияти, маънавий имиддан иборат деб сўралса, шундай жавоб бериш мумкин: ҳаммасида аввало, ўзбек халқининг босиб ўтган тарихий йўллари, бинаба-рин, қулқидан, қарамликдан тезроқ умидлари, эркин нафас олишга, бугунги Истиқлолга эришиш оруз-умидлари ва унга даъват оханларни янграб туради... Улардан қолган маънавий казина моҳиятининг ана бир нуқтаси шулки, қулқил ва қарамликдан овоз бўлишига интилиш тарихида ҳеч қачон бирон миллат ёки элзатининг орузи бўлиб қолган эмас, бу бутун жаҳият тараққиёти босқичларида барча онгли инсонларнинг абадий ва азалий орузи бўлиб қелган, ҳозир ҳам шундай. Бугунги кунларда Югославия, Албания-Косовода, жаҳоннинг турли ҳудудларига тарқалиб кетган Курдлардан, Кавказортларидаги содир бўлаётган воқеалар бу фикримизни тасдиқлаб туради ва бу бизнинг миллий қадриятларимиз аллақандай ўз домрасидан чиқиб, умуминсоний маънавий казинига қўшилиб кетганидан ҳам далолат беради. Зеро буюк даҳолар ҳаммиша ўз миллий қобилиларидида шаклланиб, ундан жаҳон миқёсига ўсиб чиқадилар ва уларнинг абадийлиги сирин ҳам шудир... Усмон Носир ҳаётлигидаёқ ўз қад-қиммати, шеърлари, ижодий меҳнатлари асрлар оша халқимиз қалбларидан қалбларига ўтиши, домий эъзозланиши ҳақида шундай қаромат қилади:

*Бардек ушайб кетсам,
Унутмас мен ботим,
Ишми хурмат қилур,
Гуллардан ҳайкал қурур,
Милл йиллардан кейин ҳам
Унутмас мен ботим...*

Озодлик учун курашиб, қийиллар қатлиомига дучор бўлган буюқларимизнинг жойларини жаннатга бўлсин! Уларнинг юга маънавий мероси казиналарини бутун борлиги билан юзга чиқариш имкониятини берган Буюк Истиқлолимиз абадий бўлсин!!!

Аҳмад АЛИЕВ.

Мулоҳаза

ЭРКАК КЎЧА КИШИСИМИ?

— Эркак кишининг фариштаси улуг бўлади, — дейди онам. — Гапни икки қилсанг борми, кўнгли озор топади. Уларни ранжитиш гуноҳ, болам. — Э, намунча буларни ёнини оласиз, — дейман куюниб. — Мана, кўвингиз уйда кўлини совуқ сувга урмайди. Уй, иш, бола-чақа, бозор-ўчар ҳаммасига ўзим югураман. Утқиш ўтга, сувни сувга экан-да. — Сен ношукур бўлма, — дейди яна онам. — Эркак киши уйнинг тўрида тоғдек бўлиб ётишининг ўзи бир давлат, агар билсанг. Шу одам бўлмаса, уйиңдан файз-баракат кетади.

Онамнинг сўзларидан гоҳо хушёр тортаман. Ва ўйлайман: «Уйимиздаги фариштаси улуг одамни кўпам қадрлай олмайман, шекилли...» Умуман шу жиҳатдан бувиларимиз, оналаримизга ҳавас қилса арзийди. Улар эркак зотига ўзгача эътиқод билан қарашади, измидан чиқмайди. Утқишда ҳам эркакнинг айтгани айтган, дегани деган эди. Биз бўлсак... Балки айб бизда ҳам эмасдир. Илгариги замонларда эр киши пул топиб келган, аёл уни сарфлаган. Шу томондан аёл эркакка тобе бўлган. Бизнинг кунларимизда эса аёл ишлайди, пул топади, ҳар бир масалада эри билан баҳслаша олади.

Мен битта нарсага аминман: қай хонадонда аёлнинг тили узун бўлса, демек эркакнинг дастги қисқа. У аллақачон ўз жиловини аёлнинг кўлига тутқазиб қўйган. Балки янглишаётгандирман. Эркак ўз уйига худди меҳмондек келиб-кетиши ва кўпроқ кўча кишисига айлиниб қолаётгани учун ҳам унинг оиладаги иззат-ҳурмати пароканда бўлаётгандир, балки...

Ишхонадаги тушлик пайтларида баъзан эркаклар ҳақида гапирилади. Шунда ҳамхоналаримиздан бири дейди:

— Пастки қаватда яшайдиган қўшнимнинг эри қачон қараманг, уй юмуши билан банд. Киш бўйи гиламларни корга олиб чиқиб яқиратади. Езда уларни ювиб симга осди. Ҳовлини гир айлантди эркак тортади, сўнг уларча кўрпа ёйиб офтоблатади. Бир куни эримга айтдим: «Ҳой инсон, сизнинг ҳам сал рўзгорга фойдангиз тегсин, менга озгина қарашинг». Шунда эрим нима деди дегин: «Э, у кишини эрини менга гапирма, у эркак эмас! Эркак киши хотинларнинг икки-чакки ишига ўралашмайди!»

— Э, сиз уни айтасиз, — дейди яна бир ҳамхонамиз. — Менинг эрим дам олиш кунини дала ҳовлига борди. Шу кун вақт эрим кечадан ошдийми, у кишидан дарак йўқ. Мижга қоқмадим туни билан. Эрталаб соат еттиларда кириб келди. «Нега телефонда билдириб қўймадингиз, нақ юрак ўйноғи бўлдим-ку!» дедим. «Кизиқмасан, ёнимда беш-олти эркак, сенга қандай қилиб телефон қиламан. Улар эшитишса, «хотинига хисоб берайти, дейишмайди, ахир!» деди, тавба. Яна бир ҳамхонамиз эрининг кўнига ишдан кеч келишини, болалари ухлаганда уйга кириб, эрталаб ҳали уйғонишмасданок чиқиб кетишини гапириб қолади. «Хар кун шу ахвол, — дейди у қўниб. — Бир кун тоқатим тоқ бўлиб, ҳой, дадаси, ҳеч бўлмаса бу дам олиш кунини болаларни етаклаб ҳовлига чиқинг, кўни-кўшни бу уйда ҳам эркак киши борлигини бир кўриб қўйишин, нуқул эрингиз кўринмайди, дея илмоқли гап қилишгани-қилишгани, дедим. Шунда у киши: «Бугун идорада чала юмушларим бор» дедилар. «Сизнинг ўша ортиқча топган пулингиздан кўра болаларга бўш вақтингиз, меҳрингиз кўпроқ керак бўлапти», дедим.

— Эркак кўчанинги кишиси, уйга сиғмайди. Агар аёли тергайверса баттар уйдан безади, — дейди баъзан бувиларимиз. Балки шу маъқулдир. Лекин уйлаб кўрсак эркак киши оиласига айна керак чоғида вақтини кўпроқ кўчага сарфларкан. Болалар отанинги ўғити, меҳрига қонмай улағайшаркан. Аёл ҳам дастурхон атрофида эри билан бемалол ўтиришни орау қиларкан. Болалар улағайиб боргач аёлнинг бардоши тугаб, тақдирга тан берганда эркак уйга қайтаркан. Лекин улағайиб қолган болаларига, сочи оқарган аёлига энди у нима бера олади? «Оилавий ахримлар ёши катталар ўртасида ҳам учраётир» деган эди руҳиятшунослардан бири. Бунга сабаб эркакнинг ўз оиласига «кеч» қайтиши сабаб эмасмикан? «Меҳр берсанг, меҳр олсан» дейди қадимгилар. Эркак оиласига қанча меҳр берса аёли, оиласидан ўшанча меҳр қайтади. Бу меҳр-муҳаббат оила мустақамлигига асос бўлади. Аёлини асрамоққа, рўзгор юкига ўзи ҳам елка тутиб, хонадонига бахт олиб кирмоққа эр киши доимо улгурмоғи керак.

Гулчеҳра ЖАМИЛОВА.

Таълим масканларида

«ЁШ ВАТАНПАРВАРЛАР»

Собир Раҳимов тумани халқ таълими бўлими тасарруфидо ўқувчи ёшларни «Ёш ватанпарвар» маънавий-маърифий уюшмаси тажриба сивов тариқасида ташкил қилинди.



Даврон Аҳмедов олган сурат.

Умри оқар сувга қиёслашади. Оқар сув сўлим боғлар, гулбоғу гулзорларни оралаб ором бағишлайди, кўйлайди, жўнади, борлиқни яшатади. Умрлар бўладик, уларни ҳаётлигида эъзозлаш, қадр-қиммати-га етиш лозим. Лекин...

Мен қаламга олиб, меҳру муҳаббатимни баён этмоқчи бўлмиш бу ижодкор аёл билан ҳаётлиқларида бир бора суҳбатларида бўлиш насиб этмаган. Уларнинг маъсум чехраларини фототасвирлар орқали кўриб, яратган бадиий бой асарлари орқали маънавий олами билан ошноман.

Саида Зуннуова асарлари хонадонимиз китоб хазинасининг ардоқли мулкидир. Оиламиз аъзоларининг бу ижодкорга нисбатан ҳурматлари чексиздир. Шунинг учун ҳам менинг номимни Саида деб аташгани бежиз эмас.

Чинакам шоир, ёзувчилар ҳар қандай тузум, ҳар қандай шароитда халқ тарафида турадилар. Халқнинг орзу-армонлари, интилишларини теран аңлайдилар. Шу хиссиётларга шакл, овоз беришга уринадилар.

Мен илос қилган ҳассос, куюнча аёл билан бирга умр кечирган ёзувчи Саид Аҳмаднинг нури хотиралари меҳримни янада оширади: «Саидхон 51 йил умр кўриб, бировга бош эгмади. Имонини ушлади. Ўзига гард юқтирмади. Оламдан ҳалол, покиза яшаб ўтди. Лаганбардорлик, бировга мутелик, хасадгўйлик унга бегона эди.

Куратсиз, меҳнатсиз шодлик кулган Уғарик мол демак, қиламан хазар. Қалбимнинг парчаси санмасга агар, Розимасман, биров ҳади қилса зар. Бу сатрлар Саидхоннинг шеърда чизилган суратига ўхшайди...» дейдилар адиб.

Ҳақиқий ижодкор воқеаларни олдиндан кўра билади, дейишади. Мен бу гапга Саида оланинги «Янги директор», «Гўдак ҳиди», «Ёлғизлик» каби асарларини ўқиганимда яна бир карра амин бўламан. 70-йилларда ёзилган

бу асарларда аёлларни жамоат ишларида фаол қатнашиши ва қандай мансабларда эканлигидан қатъи назар, аввало аёл, она эканликларини унутиб

Ёднома БУ АЁЛНИНГ УМРИ ЭЗГУДИР...

кўймасликка чорловчи даъват бўлиб янгради. Саида Зуннуова ҳикояларини маъза қилиб тақдор-тақдор ўқийман. Бу ҳикояларда оила ҳаётининг гоётада нозик томонларини олиб тасвирлаганлар. Уларда замондошларимизнинг ва айниқса, аёллар, ёшлар ҳаётининг маънавий дёнасини ҳар жиҳатдан ибрат бўлувчи масалалари кўтарилгандир.

Адибанинги «Кўзлар», «Кўлар», «Қалдирғоч», «Қон-қардошлар» деб аталган ҳикоялари яхшиликнинг абадий ўчмас излари ҳақида битилгандир. Ижодкор аёлнинг «Она», «Кўзлар» драмаларида ҳалолликка ундовчи самимийлик мужассам. Улардаги воқеалар гоёт халқона руҳда бўлиб, меҳр-оқибатга соддагина чорловдир.

Саида она шеърини ўзгачадир... Хар нарсага қуйма, дейишар менга, Қуймаган юракни нима қиламан? Ортиқча юк қилиб уни танага.

Энмаган юракни нима қиламан? — дейдилар ўзларининг гўзал шеърларидан бирида. Саида она садоқат ва муҳаббат куйчисидир. У ҳаёти билан ҳам ижоди билан ҳам бу фикрни исботлаб ўтганлардан. Шу ўринда «Онажон» шеърини келтириб ўтмоқчи жоиз деб биламан:

Аччиқанма, она, койиша, мени, Мен уни қанчалар севаман, билсанг, Кўзимдан ҳеч нари кетмас кўзлари Кошқийди унутмоқ иложин қилсанг. Сен менинг онамсан, гапирмагин, кўй Кўриб кетсин ўша чиройи, моли Ўзганин олтину, жавоҳирдан Мен учун ортиқроқ унинг ҳаёли. Майли, оғир эмас, ўтабераман, Одамлар гапига ҳеч солма кулоқ, Ҳаётга, меҳнатга ва муҳаббатга Онажон, қизининг кўзи билан боқ...

Мен бу шеърни ҳар сафар тақдорлаганимда тўлқинланиб кетаман. Дугоналарим даврасида яна қайта-қайта ўқим келаверади. Шоира қалбидо жўш урган мунаввар туйғулур ифодаси бўлмиш бу шеърни ҳар бир қиз қалбидан жой олишини жуда-жуда истардим.

Ва яна шоиранинги «Рух билан суҳбат», «Кўшнларим», «Алла», «Лирик нутқ» сингари поэмалари аёлларнинг вафосига, оналикнинг фидокорлигига айтилган ҳассос кўшиқдир.

Мен ҳар кеч гўдагимга ушбу сатрларни тақроқлайман... Кундузим десамда оз, Юдузим десамда оз Дунёда нима дўзал Бўлса, ундаи ўзинг соз, Ором ол, кўзим, ала...

Мен Саида онадан кейинги шоираларни бундан гўзалроқ алла ярата олганларини билмайман. «Умри умрларнинг эзгуси» бўлган ҳассос ижодкор Саида она қолдирган меҳросга илос, унга ошубатли авлодимиз қалбидо бардавондир...

Саида ЗОКИРОВА.

Шарқ гурдоналари ОЗ-ОЗ ЎРГАНИБ ДОМО БЎЛУВ...

◆ ХИКМАТ. Ҳақимларнинг ҳикматларида келтирилишича, ёлғизликдан кўра қийинроқ меҳнат йўқ. Бироқ ёлғизлик ёмон улфатдан кўра яхшироқдир. Байт:

Ёлғизликдан оғир ранж йўқ жаҳонда, Унда баттар нима, биласанми ҳеч? Емон улфат билан яшамоқ эрур, Емон улфатлардан узоқ юру кеч!

◆ Сўзни ҳақимлардан эшит, суҳбатни донолар билан қил, саволини олимларга бер! Ҳақимлар сўзида маърифат жам, донолар суҳбатидо бойлик, олимлар жавоби саломатлик йўлидир.

◆ ХИКМАТ. Ақлли киши шавқати ва моли кўп бўлишига қарамай, душман билан ортиқча адоват йўлини туттишдан парҳез қилади.

Ҳаддидан оширма жабуру жафони, Душманинги бўлса-да заиф, потавон. Мол-мулкнинг душмандан ортиқ бўлса ҳам, Хорлама ортиқча уни ҳеч қачон.

Муниддин ЖУВАЙНИЙ.

◆ Сержаҳл бошда ақл бўлмайдир. Ақлли киши одоб қоидаларини муқаммал ўрганишга интилади. Ақлсиз киши эса одобга амал қилмасликка интилади.

Ақликка бир ишора кифоя. Менда икки кулоқ бор, шунинг учун оз гапириб, кўп эшитаман.

Ҳайвон нўхта билан, одам дил билан боғланади. Инсон сўзи билан танилади, ахлоқи билан мақталади.

Ақлли одамнинг сўзи жонга озиқ, ақлсиз одамнинг сўзи жонга қозик.

◆ Сергаплик ўз душманинги, чунки у сенинги айбларингни ошкор этади, душманингни эса жойидан кўзгатади.

«Аталар сўзлари»дан.

◆ Огоҳлик ва шуур неъматининг лаззатшуносларидан ушбу сўз қолганки, нутқ ва баён ҳаёл ва табиат денгизи гавҳарининг фаввоси бўлиб, ҳар бир соҳиби хунар ҳамда бехунарнинг ҳоли у билан тадқиқ қилинади. Оқил кишилар ақлни амрига, фаросатни вазирга ва нутқни сипоҳга ўхшатадилар. Чунки ҳар нимаики ақл хотирасига келса, фаросат уни тасдиқ қилади, нутқ эса уни ижро қилишга киришади. Агар сўздек хабарчи бўлмаганда дилхаста ошиқларнинг юрагидаги розини маъшук қулоғига нима етказган бўларди? Агар сўз баҳорининг бўлути воқеа бўлмаганда доноларнинг жавҳар ифодаларидан фойда қулғини ким баҳраманд қиларди?! Назам:

Мақсад варағига сўз шерадир, Ундаи қўлар маълум ва овозадир. Сўз агар бўлмаса бизга ҳамоғуш, Ақл тили доим бўларди хомуш!

Бархурдор ибн МАХМУД.

◆ Эй биродар, билгинки, ўйламасдан гапиришдан кўнглига озор етади, жимлик ва хомушлиқдан эса ҳеч кимга озор етмайди.

◆ Эй оқил, бахиллиқни ўзингга шир қилиб, мол-пул топишинг пайида бўлма. Ҳасад ва бахиллик кўчасидан қоч. Ўзгаларга доимо мадад қўлини чўз. Ҳасад ва рашқдан ҳеч ким фойда кўрмаган. Аксинча эл орасида хору залий бўлиб, эътибордан четда қолган мол-мулкни бекорга сақлама. Уни эл фойда кўрадиган нарсаларга сарфла. Фақат аҳмоқ одамларгина юз меҳнату алам билан бойлик тўплайдилар. Ундан на ўзи фойда топади, на ўзгалар манфаат кўради! Бундай жоҳил кишилар кўриб-билиб туриб, кўрганларидан ибрат олишмайди. Нафси силмора қўйига кириб банк ва қулфат кўрадилар!

Муҳаммад ЖАБАЛУДИЙ.

◆ ХИКОЯТ. Айтишларича, бир олим киши ўз умрини наҳв, яъни тилшунослик илмига сарф қилган эди. Бир кун у дарё сафарига чиқди ва мусофирлик либосини кийди. У кема тахтасида ўтириб, бир оз юрилгандан кейин кема дарғасидан: «Наҳв илмидан ҳеч нарса ўқинмансан?» деб сўраб қолди. Дарға: «Йўқ ўқиган эмасман» деб жавоб берди. Олим: «Тамом умринг зое ўтибди», деди унга. Байт:

Бу гап оғиртса ҳам унинг дилини, Жавоига тийди дарға тилини!

Ногоҳ кема катта гирдобга дуч келди. Дарға наҳвий олимдан: «Сузишдан ҳеч нарса биласанми?» — деб сўради. Наҳвий олим: «Йўқ, билмайман», — деб жавоб берди унга. Дарға: «Тамом умринг зое бўлди» — деди унга. Байт:

Жавоби эшитган ул наҳвий киши, Наҳв билан ўзга бўлмади иши!

Ибн КАМОЛПОШШО.

◆ Ҳеч қандай кишини, хоҳ у тирик бўлсин, хоҳ ўлик бўлсин, ёмон сўзлар билан камситиб гапирмаслик керак!

◆ Агар сизнинг қадр мартангангиз ортиб, амалга минсангиз, ўзингиздан кичикларнинг хизматини ерда қўйманг ва барча ишларни адолат юзасидан адо қилинг!

Муҳаммад ХУСАЙН.

◆ Луқмони ҳақимдан: «Сен ўзинг кўрган иллатлар ва айблардан қайси бирига даво топа олмадинг?» — деб сўрадилар. Луқмон: «Мен барча иллатларга ҳикмат юзасидан даво тоғдим, аммо даволай олмаганим бадфёолик иллати бўлди», — деб жавоб берди.

«Фавоқиҳ ал-жулусо»дан. Форс, араб, турк тилларидан Маҳмуд ҲАСАНИЙ таржимаси.

Назм

ҚАНИ ЭДИ ҚАЙТСАНГИЗ

Урушда ҳалок бўлган акам Собир Мирсолиҳ ўғлига бағишлайман

Ногаҳонда ўтириб шу дам Яна ёзда келдилар акам. Дилгинида уйғонди алам, Қани эди энди қайтсангиз. Тишлаб кетган нонингиз қолди, Собир исмли отингиз қолди, Қай ерларда жонингиз қолди, Қани эди энди қайтсангиз. Жигаримнинг бир чети пора, Оти ўчсин урушинг қора, Набиралар кўрмаса зора, Қани эди энди қайтсангиз. Зор-зор йиғлаб ўтидилар онам, То ўзгуча кутдилар отам, Умид билан кутаман мен ҳам, Қани эди энди қайтсангиз. Истиқболга эришган юртим, Истиқболдир бахт ва гурурим, Ҳаёт эрур қандай сурури, Қани эди энди қайтсангиз. Турмушимиз гўзал, фаровон, Мазмунидир ўтган ҳар бир он, Мени алам ўртайди ҳамон, Қани эди энди қайтсангиз.

ДУНЁНИНГ ИШЛАРИ

Гоҳ ўйга толдиради, Гоҳ меҳринг қондиради, Гоҳ дилинги ёдиради, Бу дунёнинг ишлари. Гоҳ кенсан осмон қадар, Гоҳ жонинг сиемай қолар, Гоҳ шабнам тафтинг олар, Бу дунёнинг ишлари. Турфа хилдир одамлар, Қўяр турли қадамлар, Гоҳ шодон, гамсин дамлар, Бу дунёнинг ишлари. Даштда унса атиргул, Қишда сайраса булбул, Ҳайрон бўлма, огоҳ бўл, Бу дунёнинг ишлари. Шоҳ айланса гадога, Йўл қўйиб бир хатога, Шукур қил сен Оллоҳга, Бу дунёнинг ишлари. Айланади чарх фалак, Умр ўтар шундан дарак, Тўхтаолмай жон ҳалак, Бу дунёнинг ишлари. Муқаддас Солиҳ қизи. Республикада хизмат кўрсатган маданият ходими.



Рақоса хиром айлар. Равиль Альбеков сурат-лавҳаси.



Анжуманлар ДАВРА СУҲБАТИ

2-Тошкент давлат тиббиёт институти қошидаги тиббиёт лицейида «Бугунги ўзбек аёли» мавзусидаги анжуман бўлиб ўтди.

Ўзбекистон Республикаси «Камолот» жамғармаси Тошкент шаҳар бўлими қошидаги «Янги аср — XXI аёл нигоҳида» маркази, «Камолот» жамғармаси ҳамкорлигида ўтказилган ушбу давра суҳбатидо мутахассис-психолог ҳамда лицей ўқувчилари иштирок этдилар. Катташарлар саволномада кўрсатилган «ожиза», «заифа» сўзларига муносабатингиз, замонавий аёл, қиз деганда нимани тушунасиз, бахтли аёл сизнинг тасаввурингизда сингари саволларга жавоб беришич, улар орқали ўз ички кечинмаларини, дунёқарашларини намоён этишга ҳаракат қилдилар.

— Бугуннинг ўзбек аёли сиз каби ҳаё, ибо либосидаги қизлардан етишиб чиқмоғи даркор, — деди шаҳар «Камолот» жамғармаси раиси ўринбосари Қундуз Далдамуратова. — Шундай экан ҳар бир қиз энг аввало ўзлари мен кимман, келажакда оқила уй бекаси, севишли касб эгаси бўла оламани, деб сўрамоғи лозим. Ана шундагина ҳар томонлама етуқ, баркамол ўзбек аёли — ораста уй бекаси, севишли ёр, ўз касбининг фидойиси шаклланиб боради. Қизиқарили баҳс-мунозара доирасида ўтказилган давра суҳбатидо қизлар ўзларини қизиқтирган барча саволларга Ўзбекистон Республикаси ёшларнинг «Камолот» жамғармаси қошидаги «XXI аср аёли» маркази раиси ўринбосари Муҳаммад Муҳаммадинов, Низомий номидаги Тошкент педагогика университети психология кафедраси ўқитувчиси Феруза Алимова, Тошкент ихтисослаштирилган хотин-қизлар коллежи директор ўринбосари Муҳаббат Зоҳидовалардан етарлича жавоб олдилар. Шунингдек, ўз фикрларини очик-ойдин баён эта олган, бугунги ўзбек аёли хусусида тўлқинланиб гапириб, келажакдаги мустақам оила пойдевори борасидаги кенг қамровли фикрлар эгаси бўлган Дилфаруз Зокирова, Элнора Аминова, Муҳаббат Раҳматуллаева сингари лицей ўқувчилари барча катнашчилар ҳурмат-эътиборига сазовор бўлдилар. Биз ҳам мана шундай қизларимиз бор экан, ўзбек аёлнинг қадри, унинг макени баланд бўлишига яна бир бор амин бўлдик.

Ҳилола НОСИРОВА.



Биринчи ўзбек режиссёри Наби Фаниев номидаги Тошкент кинотехникуми айни кунларда кино соҳасини ривожлантиришда ўз мекнатини аямайидан малакали кадрлар тайёрлаш борасида диққатга сазовор, ибратли ишларни амалга оширмоқда.

— Дарҳақиқат, ҳозирги кунда техникумда кадрлар тайёрлаш бўйича миллий дастур ҳамда «Ташлим тўғрисида»ги Қонунга асосланган ҳолда кундузги ва сиртки бўлимларда таълим-тарбия, хусусан ик-тисодчи, ҳисобчи, кино-видеотехник оператори, овоз техник оператори ва радиотелемеханик уста син-гаги бўлимларда сабоқ бери-ляпти, — деди техникум директори Хожимурод Хо-жив. — Бу даргоҳда таъ-лим олаётган талабаларни-нг билим олишлари учун етарли даражада шарт-шароитлар ҳозирланган де-сам ҳеч муболага бўл-майди. Жумладан, махсус техник фанлари Озода Охунова бошчилигида ин-глиз тилида ўқитилмоқда.

Ҳозирги бир шиддаткор пайтда видео, техника дав-ри эканлигини ҳеч бири-миз инкор эта олмаёмиз. Бу давр ҳар биримиздан изланувчанлик ва билим-донликни талаб этади. Шу боисдан техникум жамоа-си бу ерда ўз телестудия-ларини барпо этиш ҳамда техникумнинг коллеж ма-комига эга бўлиши бора-сида иш олиб бормоқда. Бунинг учун керакли жи-ҳоз ва асбоб-ускуналар ҳа-дид қилинган. Агарда студ-ия ўз фаолиятини бош-ласа, бу ерда таълим олаётган талабалар назар-ий олган билимларини шу ернинг ўзида ҳеч қандай қийинчилик ва тўсиқлариз амалда татбиқ этиш им-кониятига эга бўладилар. Техникумнинг коллеж ма-комига ўтиши эса 2003 йилга мўлжалланган.

Техникумда таълим ол-ган талабалар бугунги кун-да асосан Ўзбекистон те-лерадикомпанияси ва Ўз-бекистон кинолаштириш акционерлик жамиятида намунали хизмат қилиш-моқда. Хусусан, Солиҳ Зо-киров вилоят кинолашти-риш ва кинопродатк бош-қармасида, Махаммадҷон Рўзиев шаҳар кинолашти-риш бошқармасида фао-лият кўрсатапти.

Техникумда техникум ётоқхонаси талабанинг ҳа-

Миллий дастур МАЛАКАЛИ МУТАХАССИСЛАР ЕТИШИБ ЧИҚАДИ



қикий уйига айланиб бормоқ-да. У ерда тез-тез турли ма-вуларда давра суҳбатлари, кўрик-танловларнинг ўткази-либ турилиши йилгит-қизлар-нинг янада баркамол авлод бўлиб вояга етишларида му-ҳим аҳамият касб этмоқда. Айниқса, билим юрти хотин-қизлар кўминтаси раиси Тохи-ра Жуманованинг қиздан орасида ўтказаятган турли мавзудаги суҳбатлари, юри-заятган мушоадалари улар-нинг келажакда ораста ўй бе-каси бўлишларида, ахлоқ-одоб чегарасидан чиқмаслик-ларида етакчи ўрин тутади. Кино-видео зали ҳам талаба-лар ихтиёрида бўлиб, улар бу ерда турли мавзулардаги фильмларни томоша қилиш-лари учун барча шарт-шар-оитлар ҳозирланган.

Бу ўқув масканида таълим олиб, яна шу ернинг ўзида меҳнат фаолиятини бошлаган собиқ талабаларни қўллаб-қувватлаш мумкин. Хусусан, Мелс Юнусов шу техникум-ни битирган Санкт-Петербур-гда кинематография инсти-тутини тугаллаб, шу ерда иш-ламоқда. Ҳимойил Сулаймо-

Мирза АБДУЛЛАЕВ.

балки уларнинг устозлари ва маҳалла ахллари ҳам мин-натдор бўлмоқдалар. Нега-ки, мана шундай очик эшик-лар кунда ўқувчилар тех-никумга ташриф буюриш-лари натижасида ҳаётда ўз ўринларини топиб, жўшқин ҳаётда ҳеч қоқилмай фао-лият кўрсатмоқдалар.

Талаба ёшларнинг бой маънавиятга, миллий кадр-риятлар ҳақида етарли ту-шунчага эга бўлишларида кутубхоналар ўрни бекиёс-дир. Шу боис 35 минг нус-хадаги китоб фондига эга бўлган кутубхонада улар ку-тубхоначилар Саодат Коми-лова, Зулхумор Файзирах-моновалар бошчилигида маърифат чашмаларидан баҳраманд бўлмоқдалар.

Техникум талабалари ўқини тугаллагач улар ол-дида ишга жойлашиш муам-моси деярли бўлмайди. Улар жойларни дипломолди ам-алиётини бажарган жойлари-да ўз қобилиятини, ишга қи-зиқувчанлик билан ёндош-ганлиги сабабли ўқини ту-галлагач, ташкилотлар тала-би билан ишга қабул қилин-моқдалар. Бундан билим юрти жамоаси ўзлари тайёр-лаган кадрларнинг эл кори-га яраётганлигидан, ташки-лотлар тайёр мутахассисга эга бўлаётганлигидан, тала-балар эса муваққил ҳаётга, иш жараёнига сингиб кети-шаётганидан миннатдор бўл-моқдалар.

Даврон ФАЙЗУЛЛАЕВ,
кино-видео техник
оператори бўлими III-
курс талабаси:
— Мен ҳозирда дипломол-ди амалиётини телемарказ-да бажаряман. Ўқини ту-галлагач бу ердагиларнинг хоҳишига кўра курсдошим Марина Настич билан шу ер-нинг ўзида ишлаб қолмоқ-чимиз. Албатта бу техникум-даги устозларимизнинг зах-матлари ва интилишларимиз самарасидир.

Акмал СУЛАЙМОНОВ,
радиотелемеханик уста:
— Мана ҳадемай ўқини тугаллайман. Менинг олди-да турган ишга жойлашиш муаммоси деярли ҳал этил-ди десам бўлади. Сабаби дипломолди амалиётини ўтаётган «Орбита» сервис-радиотехника аппаратларини тузатиш устахонасининг ўзи-да ишга олиб қилишмоқда.

Наргиза ПИРНАЗАРОВА,
СУРАТДА: техникум ҳаё-
тидан лавлаётган.
Рустам Шарипов
олган суратлар.

Турфа олам

АНТИКА ЧЕМПИОНАТ

Австралиянинг курорт шаҳарларидан бири — Кэ-рисла (Квинсленд штати) та-риҳда биринчи марта тим-соҳлар ўртасида югуриш бўйича мусобақа ўтказилди. Теннис кортида бўлиб ўтган бу антика чемпионатда 15 сантиметрдан 2 метргача бўлган 36 та тимсоҳ қатнаш-ди. Қизқарли ўтган мусо-бақа давомида 9 қатнашчи-нинг оёқ ва думлари рақиб-лари томонидан гажиб таш-ланганлиги аниқланди.

КҮРҲОҚЧИЛИК САБАБИ

Яқинда Австралиянинг кўпгина районларига зарар келтирган кўрғоқчилик бу қитъа учун хос бўлган ҳа-дидир. Сидней университети мутахассислари узоқ йиллар-да бундан ҳам кучли кўрғоқ-чилик бўлганлигини аниқ-лашди. Тахминан бундан 20 минг йил муқаддам содир бўлган кўрғоқчилик 10 йил давом этган.

Олимлар худди ўша кез-ларда улкан кенгурулар ҳа-лок бўлганлигини эътироф этишди.

30 МИНГ ДОЛЛАР

Швейцарияда ишланган соат дунёдаги энг юпқа соат-дир. Унинг корпуси қалин-лиги 1,96 миллиметр. Ба-ҳоси эса қалинлигига теска-ри пропорционал. У 30 минг доллар туради.

600 ЛИР ЖАРИМА

Неаполдан Италиянинг бошқа шаҳри Ортопуга жу-натилган почта отриткиси орадаги масофа атиги 200 километр бўлишига қара-масдан 21 йилдан сўнг эга-сига етказилган.

Отриткани олган киши «кечинкиш» сабабини сўраб, почта бўлимига мурожаат қилганда уни 600 лир жар-има тўлаша мажбур қилган-лар. Улар отриткага ёпиш-тирилган 15 лирлик марка ҳозирги почта харажатлари-ни қопламайди, деб баҳона қилганлар.

МАЙМУН ИСТАГИНГИЗНИ БАЖАРАДИ

Унинг ёши 20 да, бўйи 1,5 метр, оғирлиги 70 килограмм. Атиги 6 долларга у билан рақс тулиш ёки сайр қилиш мумкин. Мабодо бир-роқ киши у билан нонушта қилмоқчи бўлса, маймун ўз креслосини, столини ва идишларини ажратиб олади. Бундан бир неча йил илгари дунёнинг турли мамлакатла-ридан келган 4 минг турист у билан сайр қилиб, рақс ту-лиш шарафига муяссар бўл-ган.

Буларнинг ҳаммасини Сингапурдаги ҳайвонот бо-ғида яшовчи Ах Менъ ис-м-ли орангутан бажаради.

Шаҳноза ИНОҒОМОВА
тўплаган.

Спорт

«02»

ЖИЁНАТ

Ўхш 130 минг сўмлик молни ўғирлаган автобус ҳайдовчисининг қилғир иши ҳақида

Кексалардан бир гапни кўп эшитганман. Ҳаром тешиб чиқади. Албатта ҳаром-ҳарис еб ўрганган кимса бир кун-мас бир кун жазосини олмо-ғи муқаррар. Бугун тан олиб айтишимиз лозимки, ҳозир бизнинг республикамиз учун ўта синовли давр. Иқтисодий-тимиз энди-энди атак-чечак қилиб оёққа турмоқда. Кенг қўламада бошланган қурилиш ишлари эрта-индин ўз самарасини бериши шубҳасиз. Ҳозирча эса ҳар биримиз ана шу тикланиш ва мустақилли-гимизни мустаҳкамлаш йил-ларида ўзимизнинг фидойи-лигимиз билан умум ишга ҳиссамизни қўшишимиз ло-зим.

Ана шундай синов даври-да айрим кимсаларнинг жи-ноят йўлига кириб қабих иш-ларни содир этаётганлиги ҳар бир виждонли кишининг ҳа-қли равишда ғазабини келти-ради.

Мана бу воқеани эшитиб ёқангизни ушлайсиз. Шу йилнинг апрель ойи охири-да «Самарқанд» автостан-циясида хунук бир воқеа юз берди. «Икарус-225» русум-ли автобус ҳайдовчиси, асли Тошкент вилоятилик бўлган

Г. Х. исмли киши Бухоро шаҳрида истикомат қилувчи йўловчи «Аква-вита» дорихо-насининг таъминотчиси К. Ш. га тегишли бўлган икки сўм-кани ўғирлади. Аввалига он-ту қасамлар ичган бу кимса-нинг гапларига ишонмаслик-нинг илоҳи йўқ эди. Бироқ, ўғирлик исботланган, унинг аниқ қиёфаси ошкор бўлди-қолди. У фуқаро К. Ш.га те-гишли 130 минг сўмлик мол-ни ўғирлаганди.

Яққасарой тумани ички ишлар бўлими ходимлари ўт-казган тадбир натижасида ў-ғри ашёвий далиллар билан қўлга олинди, ҳозир ушбу ҳо-лат юзасидан тергов ишлари олиб борилмоқда. Бизни бир нарса ўйлантиради. Ни-ма учун ҳайдовчи йўловчи-лар молига қиёнат қилишдан ўзини тия олмади? Ахир йў-ловчиларнинг энг ишончли кишиси ёки бўлмаса ҳамро-ҳи айнан у бўлиши керак-ку. Афсус, унинг жигилдони одамларнинг ишончини ҳам аллақачон ўз домига торт-иб бўлган экан. Энди эса нафси ҳақалак бу кимсани бироз бўлсада «даволаш»га тўғри келади.

Мирза АБДУЛЛАЕВ.

Биласизми?

◆ Ботаникларнинг ҳи-собига кўра, ер юзюда об-ди ҳавони олдиндан айтиб бе-радиган ўсимликларнинг 400 га яқин тури мавжуд.

◆ Луб толлари мус-тахкамлици жиҳатидан те-мир билан бемалол тенгла-шади. Тортишиш кучи эса маъданга нисбатан 15 мар-та кўпдир.

◆ Урта аср француз курувчилари ибодатхона қу-рилишида тўсиқларнинг ҳар тўрттадан биттасини

каштан дарахтидан тайёр-лашган. Бу дарахтнинг ҳи-ди ўрғимчақларни ўзидан узоқлаштиради ва ибодат-хона ичюда уя қуришга йўл бермайди. Ҳозир Франция-да каштан ҳидли азрозоль ишлаб чиқарилмоқда. Бу уй бурчақларига уя қураётган ўрғимчақларни йўқотишда қўл келади.

◆ Қўнчилик ўсимликлар бир дақиқада 0,005 милли-метр, қовоқ эса шунча ва-қтда 0,1 миллиметр ўсади.

ЁШ ФУТБОЛЧИЛАР БЕЛЛАШИШДИ

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекис-тонда футболни ривожлан-тириш тўғрисида»ги Фармо-ни чиққандан сўнг, бирин-чилар қаторида Собир Раҳи-мов тумани халқ таълими бў-лимида ҳам қатор амалий ишлар қилинди. ТХТБнинг 1996 йилда чиқарган «Мак-таб ўқувчилари ва мактабга-ча таълим муассасаларида футбол командалари тузиш ва футболни ривожлантириш тўғрисида»ги буйруғига би-ноан, мунтазам равишда мактаб ўқувчилари ва мак-

табгача таълим муассасала-ри тарбияланувчилари ўр-тасида футбол мусобақала-ри ўтказилиб турилади. Туман халқ таълими бўли-ми мудири А. Ф. Раҳматул-лаевнинг сазъ-ҳаракатлари билан ТХТБ кубоғи таъсис этилди.

Туманнинг «Истиклол» стадионида мактаб ўқувчи-лари ва мактабгача таълим муассасалари тарбиялану-вчилари ўртасида ТХТБ кубо-ғи учун финал мусобақала-ри бўлиб ўтди. Унда туман-даги 243 ва 310-мактаб ўқув-

чилари беллашиб, 243-мак-таб ўқувчилари мусобақа со-ҳиби бўлдилар. Боғча бола-лари ўртасида 248-боғчани-нг футбол командаси ТХТБ кубоғи совриндори бўлди.

Финал мусобақаларида туман ҳокимияти вакиллари, «Камолот» жамғармаси, ма-ҳалла фаоллари ва кўп сон-ли ота-оналар ва мухлислар қатнашдилар.

Ҳалиларга туман ҳоким-лиги ва «Камолот» жамғар-масининг совгалари топширил-ди.

Ҳафиза АСОМОВА.

ЎТ БАЛОСИДАН АСРАСИН

Шу йилнинг ўтган 3 ойи мо-байнда шаҳримизда 471 та ён-гин содир бўлди. Ёнгинлардан 3,5 миллион сўмга яқин моддий зарар кўрилди, 10 киши ҳалок бўлиб, 12 киши ҳар хил дара-жадаги куйиш тан жароҳатини олди. Ёнгинларнинг кўпчилиги ахлатларни, қуриган ўт-ўланлар-ни, шох-шаббаларни ёқибдан, сизирета чекишда оддий ёнгин хавфсизлиги қоидаларига риоя қилмаслик, электр симларнинг қисқа туташувлари, носоз электр асбобларидан фойдаланиш, ёш болаларнинг олов ўйнаш-лари, газ иситиш печларининг ҳад-дан ташқари қизиб кетиши оқ-батиди содир бўлган.

Миробод туманида эса ўтган 4 ой мобайнида 47 та ёнгин со-дир бўлган. Ёнгинлардан 540.000 сўмга яқин зарар кўрил-ган. 1 киши ҳалок бўлди. Кези-келганда ҳамшаҳарларимизга шунини айтишимиз кераки, бор имкониятни ишга солиб, ёнгин хавфсизлиги чораларини кўриш-са, яъни ёш болаларни уйда ёл-ғиз қолдиришмас, уларга газ ва электр анжомларини ёқини буюришмас, гугурт ўйнашга йўл қўйишмас, болаларни бўш ва-қтларида бирор нуумли иш билан машғул қилиб қўйишса, ал-батта фойдалан ҳоли бўлмасди.

Эслатиб ўтадим, носоз электр анжомларини ўз вақтида қўздан кечириб, уларни тузатиб қўйиш, эскирган электр симларини ал-мастириб туриш, газли иситиш печлари мўриларининг соз-но-созлигини текшириб туриш, газ печларини ҳаддан ташқари қиз-дириб юбормаслик, газ плита-

лари устида кирлар қуритмаслик, ўчирилмаган сизирета қолдиқ-ларини ҳеч қарга ташламастик, уй-жой атрофларини қуриган ўт-ўланлардан, шох-шаббалардан, ҳазонлардан тозалаб туриш за-рур.

Мана, тез орада май ойи ҳам тугаиб, болажонларимиз ёзги таътилларида дам олиш маскан-ларида ўтказиш учун шошилмоқ-далар. Болаларнинг дам олиш масканларида ёнгин қоидаларига риоя қилишлари энг асосий омилдир. Зеро, халқимизда «Олов — дўст, олов — душман» деган ибора бежиз айтилмаган. Дарҳақиқат, инсонларга қувонч, иссиқлик бахш этувчи оловдан тўғри фойдаланилса, у бизларга беминнат хизмат қилади. Бола-ларнинг ёзги дам олиш маскан-ларида ёнгинга ва бахтсиз ҳо-дисасиз дам олишлари учун қўйидаги ёнгин қоидаларига риоя қилишлари зарурдир:

— ўзбошимчалик билан теле-визор-радио ускуналарини электр узатиш тармоқларига ёқиб-ўчириш;

— гугурт ўйнамаслик; — олов билан ўйнашларига йўл қўймаслик.

Шундангина болаларнинг умри-ни ва уй-жойимизни «ўт балоси-дан» сақлаб қолган бўламиз. Агарда ёнгин чиқса, дарҳол «01» телефон рақами орқали ўт ўчи-риш хизматини ердამга чақир-иш ни унутманг.

Ҳамдам ОРИПОВ,
Миробод тумани

ҳарбийлаштирилган ёнгиндан сақлаш бирикмаси назоратчиси,
ички хизмат капитани.

ТАБАССУМ

Бир қорувул эрталаб уйига келгач, хотинига дебди: — «Биласанми, бугун ўғирлар дўконни умаришди, аммо улар жуда инсофли эканлар».

— Қандай қилиб?

— Ишни секин бажа-ришиб, ширин уйқумни бузишмади.

Бир киши ҳеч қачон тамаки сотиб олмас экан, нукул бошқалар-дан олиб чекаркан. Бир кун муҳандиснинг хона-сига кириб дебди: — «Давлатнинг ҳисобига бир тамаки чекамиз-да, ака!».

— Марҳамат, — деб-ди муҳандис ва тамаки қутисини узатибди. Қу-тидан тамаки олаётган-да икитаси чиқибди. У киши биттасини олаёт-ган экан, муҳандис: — «Иккаласини ҳам олаве-ринг, — дебди. — Йўқ, ор-номусли бўлиш ке-рак, — деган экан ҳали-ги киши.

Бир киши одамларга шундай савол билан му-рожаат қилибди: — «Куй-ги билан йиғининг фар-қи нимада?».

Бир зийрак киши шун-дай жавоб берибди: «Фарқи бурунда».

— Қандай қилиб? — дейишдибди одамлар.

— Чунки йиғи қўздан чиқади, чуқур эса оғиз-дан. Уларни бурун аж-ратиб туради-да!».

Баҳриддин
ТУРҒУНОВ
тайёрлади.

ТИЖОРАТ ХАБАРЛАРИ ВА ЭЪЛОНЛАР

ҲУРМАТЛИ ТАДБИРКОРЛАР!

Тошкент шаҳар ҳокимлигининг Савдо, маиший хизмат ва халқ истеъмол моллари ишлаб чиқариш департаменти маданий ҳордиқ, хизмат кўрсатиш, савдо ва умумий овқатланиш борасида турли мавсумий тадбирлар уюштириш ҳамда ўтказиш учун «Сайилгоҳ» истироҳат худудидан ижарага жой олиш учун танлов эълон қилади. Буюртмалар 1999 йил 15 июнча қабул қилинади. Маълумотлар учун телефон: 133-21-68.

ҚУЙЛАЙМИЗ
Ҳурматли Инобат опа йўлдошев! Сизни муборак 50 ёшнингиз билан табриклайман. Оллоҳдан сизга соғлиқ, узоқ умр, кўнгли хотир-жамлик ва биз ўқувчиларга билим беришдек масъулиятли ишингизда зафарлар тилайман.
Ўқувчингиз Феруза УБАЙДУЛЛАЕВА.

УМУМАН БЕПУЛ!!!
"ЯНГИБОДО"
универсал улгуржи савдо мажмуи

БУЮМ БОЗОРИДА
БАРЧА
ТАДБИРКОРЛАРГА
ПУЛ ИШЛАБ ОЛИШ
ИМКОНИНИ
ЯРАТИБ БERAДИ
Энг гавжум мавзе,
савдо учун
барча шароит
муҳайё.
ЖОЙ ҲАҚИ ОЛИНМАЙДИ.
Манзил: Янаиобод, Марказ, Строительная кўчаси, 1.
Тел.: 99-99-66, 195-07-94.

«ТОШКЕНТ ОҚШОМИ»

Сизнинг рекламаларингизни, хусусий эълонлар ва хусусий бизнес бўйича эълонларни, шунингдек таъзияларни, таваллуд қуларни, тўйлар, юбилейлар муносабати билан қутловларни, никоҳ эълонлари ва шунча ўхшаш эълонларни ўз саҳифаларида ёртамди.

Эълонлар шанба ва якшанбадан ташқари ҳар кун соат 9.00 дан 17.30 гача қабул қилинади.

Маълумотлар учун телефон: 133-28-95. Факс: (3712) 133-29-09. МАНЗИЛИМИЗ: МАТБУОТЧИЛАР КЎЧАСИ, 32-УЙ, 2-ҚАВАТ, 204-ХОНА.

Умумий овқатланиш соҳасида узоқ йиллар меҳнат қилган Эргаш ШОҒАЙЗИЕВнинг вafоти муносабати билан унинг оила аъзоларига яқинлари, қариндошлари ва дўстлари чуқур таъзия изҳор қилади.

Бош муҳаррир:
Акмал АҚРОМОВ
Манзилимиз:
700000, Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32

ТЕЛЕФОНЛАР:
хатлар — 133-29-70;
эълонлар:
133-28-95, 132-11-39.
факс: (3712) 133-29-09.

Душанба, чоршанба ва жума кунлари чиқади.
Нашр кўрсаткичи — 209
Ҳажми — 2 босма табоқ офсет усулида босилади.
Қоғоз бичими А-2

Нашрни етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлимларига ёки «Тошкент почтасига» — 133-74-05 телефонига мурожаат қилишингиз мумкин.
Рўйхатдан ўтиш тартиби: №10.

«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмахонаси.
Корхона манзили:
«Буюк Турон» кўчаси, 41-уй.